

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-июнь ойларида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 13 694,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 % га ўсди.

2019 йил январь-июнь якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 4 449,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,3 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Андижон вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,2 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2018 йил январь-июньга нисбатан, % да
	2018 йил январь-июнь	2019 йил январь-июнь	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	10 374,5	13 694,0	106,2
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	10 121,8	13 214,0	106,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	252,7	480,0	111,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	10 121,8	13 214,0	106,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4 252,1	5 283,1	100,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2 665,0	3 896,6	117,5
саноат	2 058,3	3 034,7	117,8
қурилиш	606,7	861,9	116,3
Хизматлар	3 204,7	4 034,3	103,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	792,5	921,9	104,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	707,5	767,3	104,2
бошқа хизматлари	1 704,7	2 345,1	103,3

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш сураъти -100,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 40,0 %), саноат –117,8 % (23,0 %), қурилиш – 116,3 % (6,5 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,1 % (7,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,2 % (5,8 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар–103,3% (17,7 %) ни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-июнида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,5 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,5 % ни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 2,0 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 40,0 %ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 3,2 % пунктга ошди ва 29,5 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 30,5 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даври (31,7 %) билан таққосланганда 1,2 % пунктга камайди.


Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)




Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 7,0 % ни (2018 йил январь-июнь 7,8 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 5,8 % ни (7,0 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 17,7 % ни (16,9 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2018 йил
январь-июнь



2019 йил
январь-июнь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: Х.Хамракулов
Тел: (0-371)230-82-60
(0-374) 228-29-77